

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Banking Market and Business”  
иlmий электрон журнал  
таъсисчиси  
“CHINGIZ ART GROUP” MAS’ULIYATI  
CHEKJANGAN JAMIYAT



О.М. XIDIROV

2023 йил

“BANKING MARKET AND BUSINESS”  
ИЛМИЙ ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИ ТАХРИРНИЯТЫ  
НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	2
II. ТАҲРИИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ .....	2
III. МУАССИСНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .....	3
IV. ТАҲРИИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .....	4
V. ТАҲРИИЯТНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ .....	5
VI. ЖУРНАЛ ТАҲРИИЯТИ .....	5
VII. ТАҲРИИЯТ ХОДИМИ .....	5
VIII. ТАҲРИИЯТ МОЛ-МУЛКИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ .....	6
IX. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ХЎЖАЛИК ВА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ. ФОЙДА (ДАРОМАД)НИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ .....	6
X. ЖУРНАЛНИНГ ЧИҚАРИЛИШИНИ ТЎҲТАТИБ ТУРИШ ЁКИ ТУГАТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ .....	7
XI. ТАҲРИИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ.....	8
XII. НИЗОМНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ .....	8
XIII. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ БОШҚА ҚОИДАЛАР .....	8

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. “Banking Market and Business” электрон-илмий журнали (кейинги ўринларда - “Журнал” деб аталади) муассиси «CHINGIZ ART GROUP» МСНJ хисобланади (кейинги ўринларда - “Муассис” деб юритилади).

1.2. Журнал электрон-илмий журнали таҳририяти Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни асосида ташкил этилади.

1.3. Журнал ўзбек, рус ва инглиз тилларида, 1 ойда бир маротаба чиқариладиган нашрdir.

1.4. Журнал ҳажми мақолалар ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда шакллантирилади, максимал ҳажми чекланмайди, формати 84x108 1/16.

1.5. Журнал мустақил фаолият кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, фармойишларига ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларга, шунингдек, Муассиснинг буйруқ ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга асосида юритилади.

1.6. Таҳририят манзили: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Саттепо Массиви 34 уй 11 Хонадон

## **II. ТАҲРИРИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ**

2.1. Таҳририят фаолиятининг мақсади бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг Банк-молия, бизнес, маркетинг, менежмент ва иқтисодиётга оид илмий мақолаларини нашр этиш ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган бошқа ишлар ва хизматларни амалга ошириш хисобланади.

2.2. Таҳририяти фаолиятининг предмети бўлиб:

Журнал ўзбек, рус ва инглиз тилларида банк иши, инвеститсия, сұғурта, бизнес, молия, маркетинг, менежмент ва иқтисодиёт йўналишларида энг долзарб инновацион ғоялар, интеллектуал ва технологик салоҳиятни ошириш, соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантириш муаммолари бўйича илмий мақолалар чоп этиб, кенг оммага етказиш ҳамда турли ахборот маҳсулотларини чоп этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ва таъминлаш, банк, иқтисодиёт, фалсафа, менежмент, маркетинг, тижорат, савдо, сұғурта, инвестиция ва молияга алоқадор бўлган расмий хужжат ва иловаларни чоп этиш;

- илмий, амалий анжуманлар, семинарлар ва бошқа шаклдаги илмий муроқбат ва мунозараага оид материалларни нашр этиш ва тарқатиш;

- молиявий хизматлар ва ноишлаб чиқариш тармоқларининг тадбиркорлик ҳамда тижорат фаолиятини юритиш учун зарур маълумот берувчи, рекламага оид ва бошқа материалларни йифиши, таҳрир қилиши, чоп этиши ва тарқатиши;
- банк, молия, инвеститсия, бизнес, менежмент, маркетинг ва иқтисодиёт йўналишидаги адабиётларга берилган такризларни чоп этиши;

- хорижий мамлакатлар билан нашр этилган журналларни айирбошлиш ва уларга сотиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига зид келмайдиган ҳар қандай иқтисодий ахборот ва маълумотларни журналда чоп этиши ишлари билан шуғулланиш ҳисобланади.

2.3. Журнал юридик ва жисмоний шахсларнинг Банк-молия, бизнес, маркетинг, менежмент ва иқтисодиёт йўналишдаги мақолалари ва ахборотларини чоп этишга ихтинослашган.

### **III. МУАССИСНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Муассис қонунда белгиланган тартиб бўйича қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- муассис оммавий ахборот воситасининг рўйхатда қайд этилган номидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиши;
- фойдани тақсимлашда ва заарларнинг ўрнини қоплашда иштирок этиши;
- энг катта ҳажми ва чиқариладиган муддати таҳририят низомига ёки муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномага мувофиқ белгиланадиган, реклама тусида бўлмаган хабар ёки материални ўз номидан оммавий ахборот воситаси сифатида бепул жойлаштириши;
- таҳририятни фаолияти тугатилган тақдирда, кредиторлар билан хисобкитоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда олиш;
- мазкур Низом ва амалдаги қонун хужжатларида, шунингдек у билан Журнал таҳририяти ўртасида тузилган шартномада белгиланган ваколатлар доирасида таҳририятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиши, журнал фаолиятининг мақсади, предмети ва турларини белгилаш;
- таҳририят Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши;
- таҳририятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳуқуқига эга.

Муассис қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Муассиснинг мажбуриятлари:

- таҳририятни ташкил этиши;
- таҳририят низомини тасдиқлаш;
- таҳририят билан шартнома тузиш;

- журналнинг чиқарилишини таъминлаш;
  - оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаши;
  - муассиснинг устав фонди ўзгарганлиги ҳақида, агар устав фондида чет эл инвестициялари улуши ўттиз фоизгача бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигини хабардор этиши;
  - журнал бош мухарририни тайинлаш, у билан меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномасини тузиш;
  - журнал таҳрир ҳайъати аъзоларини тайинлаш ва озод қилиш;
  - таҳририятга мулкдан фойдаланишга имконият беришдан иборат.
- Муассиснинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **IV. ТАҲРИИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Таҳририят ўзининг қасбий фаолиятида мустақилдир, қонунчилик доирасида маълумотлар ва ахборотларни ўрганишга, топишга ҳақлидир ва нашр қилинаётган мақолалар, нашр маҳсулотлари мазмуни, объективлиги жавобгардир. Нашр ишларидаги кўчирмачилик (плагиат) ҳолатларига муаллиф жавобгар ҳисобланади.

4.2. Таҳририят ўз фаолиятини юритиш доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- ахборотларни топиш, ўрганиш ва тарқатишни амалга ошириш;
- ахборотлар олиш мақсадида давлат, хўжалик органлари ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш;
- турли ташкилот, муассаса, корхона ва мутахассис – эксперталарга нашр қилинадиган мақолалар, нашр маҳсулотлари мазмуни бўйича фикрини билиш мақсадида мурожаат қилиш;
- қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш;
- таҳририят фаолиятини ривожлантириш мақсадида турли ассоциация ва Корхоналарга муассис билан келишган ҳолда аъзо бўлиш;

4.3. Таҳририят мажбуриятлари:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжтлар талабларига қатъий амал қилиш;
- нашрнинг даврийлигига риоя этиш;
- таҳририятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисботни Муассисга тақдим этиш;
- ходимларнинг ижодий муваффақиятларини моддий ва маънавий рағбатлантиради, уларнинг қасбий маҳоратларини ошириш, майший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш;
- таҳририят қонунчилик доирасида бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин ва бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

4.4. Журнал электрон шаклдаги маълумотлар базаларида ва Интернет тармоғида сайтлар орқали ҳам тарқатилиши мумкин.

## **V. ТАҲРИИЯТНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ**

5.1. Таҳриииятни бошқаришнинг юқори органи бўлиб Таҳрир ҳайъати хисобланади.

5.2. Таҳрир ҳайъати:

- таҳрииият сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди;

- Журнал концепциясини тасдиқлади, унинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатади;

5.3. Таҳриииятнинг жорий ижодий ишини Бош муҳаррир бошқариб, унинг номидан иш кўради, унинг манфаатларини амалдаги қонунлар ва мазкур Низом бўйича ҳимоя қиласи.

5.4. Бош муҳаррир:

- Журнал таҳрииияти ижодий ишига, Таҳрир ҳайъатининг жорий ишига раҳбарлик қиласи, Таҳрииият номидан иш олиб боради.

- чоп этиладиган материалларни танлаш ва Журналнинг мазмунига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қиласи;

- Бош муҳаррир ўзининг ёрдамчиларига эга бўлади ва улар олдида мажбуриятларни тасдиқлади;

- Бош муҳаррир штат жадвалини ишлаб чиқади ва бошқа ташкилий тақсимот ишларини амалга оширади.

- Бош муҳаррир белгиланган тартибда таҳриииятнинг фаолияти тўғрисида Муассис олдида ҳисбот беради.

5.5. Бош муҳаррир ўз зиммасига юклangan вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек, таҳриииятга берилган мулкнинг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

## **VI. ЖУРНАЛ ТАҲРИИЯТИ**

6.1. Журнал таҳрииияти Муассис томонидан тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур Низом асосида иш олиб боради.

## **VII. ТАҲРИИЯТ ХОДИМИ**

7.1. Таҳрииият ходими деганда, таҳриииятда шартнома асосида иш фаолият юритувчи ва материалларни тўплаш, уларни таҳлил ҳамда таҳрир қилиш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс тушунилади.

7.2. Тахририят ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ва мазкур Низом билан белгиланади.

## **VIII. ТАҲРИРИЯТ МОЛ-МУЛКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ**

8.1. Журнални чоп этиш учун маблағлар ва унинг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилардир:

- тахририят бюджети доирасида ажратиладиган «CHINGIZ ART GROUP» МСНJ нинг маблағлари;
- хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;
- реклама ва эълонларни чоп этишдан тушумлар;
- журнал ададини обуначиларга реализация қилиш ва чакана сотишдан тушумлар;
- беғараз ва хайрия бадаллари;
- қонун ҳужжатларида таъкиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

## **IX. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ХЎЖАЛИК ВА МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ. ФОЙДА (ДАРОМАД)НИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ**

9.1. Тахририятнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолияти амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ «CHINGIZ ART GROUP» МСНJ томонидан амалга оширилади.

9.2. Тахририят фонди таъсис этувчи томонидан ёки бошқа хайрия фондлари ҳисобига кўпайиб бориши мумкин. Бу фондлар, унинг моддий-техника базаси ва ходимларни моддий рағбатлантирилиш учун ишлатилиши мумкин.

9.3. Тахририятнинг зарари резерв фондидан, агар маблағи етмаса таъсис этувчининг маблағидан қопланади.

9.4. Тахририят фақат ўзи учун ажратилган мулкка жавоб беради ва таъсисчи мажбуриятлари олдида жавоб бермайди.

9.5. Тахририятнинг даромадлари (фойдаси) харажатлар қопланганидан, зарурий солиқлар ва тўловлар тўланганидан сўнг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлатилади.

## **Х. ЖУРНАЛНИНГ ЧИҚАРИЛИШИНИ ТҮХТАТИБ ТУРИШ ЁКИ ТУГАТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

10.1. Журналнинг чиқарилишини түхтатиб туриш ёки тугатиш рўйхатдан ўтказувчи органнинг аризаси асосида суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

10.2. Муассис журналнинг чиқарилишини таҳририят низомида ёки муассис ва таҳририят ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ҳолларда түхтатиб туриш ёки тугатишга ҳақлидир.

10.3. Муассис журналнинг чиқарилишини түхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ўз қарори ҳакида рўйхатдан ўтказувчи органни уч кун ичидаги ёзма шаклда хабардор этиши шарт. Мазкур хабарнома ушбу журнал чиқарилишининг түхтатиб турилиши ёки тугатилишидан олдинги ёки сўнгги чиқарилишларидан бирига жойлаштирилиши керак.

10.4. Журналнинг чиқарилишини суд қарорига кўра түхтатиб туриш, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан таҳририятга нисбатан чиқарилган огоҳлантиришга сабаб бўлган қонун ҳужжатлари бузилиши, такрорий, ёзма огоҳлантиришдан кейин бир ой ичидаги бартараф этилмаган тақдирда амалга оширилади.

10.5. Журналнинг чиқарилишини қайта бошлаш, рўйхатдан ўтказувчи орган аниқлаган қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар муассис ёки таҳририят томонидан судга тақдим этилганидан кейин суд қарорига асосан амалга оширилади.

10.6. Журналнинг чиқарилишини тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқариш учун қўйидагилар асос бўлиши мумкин:

- оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари таҳририят томонидан муентазам равишда бузиб келинганилиги, бу ҳакда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан муассис ёки таҳририят номига илгари ёзма огоҳлантиришлар юборилганлиги;

- суднинг журнални чиқаришни түхтатиб туриш ҳақидаги қарори бажарилмаганлиги;

- журналнинг олти ойдан зиёд вақт мобайнида чиқарилмаганлиги;

- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар.

10.7. Журналнинг чиқарилишини тугатиш унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилишига сабаб бўлади.

10.8. Журналнинг чиқарилишини тугатиш тўғрисида муассис томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, таҳририят муассиснинг рухсати билан худди шундай номдаги журнални белгиланган тартибда таъсис этишга ҳақлидир. Бундай ҳолда журнални қайта рўйхатдан ўтказиш талаб қилинади.

## **XI. ТАХРИИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

11.1. Муассис тахриииятни қайта ташкил этишни ушбу Низомда ёки муассис ва тахрииият ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ҳолларда амалга ошириши мумкин.

11.2. Тахрииият муассиснинг қарорига қўра, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки журналнинг чиқарилишини тугатиш тўғрисидаги суд қарорига биноан тугатилиши мумкин.

## **XII. НИЗОМНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

12.1. Ушбу Низом Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билдирган камчиликларни эътиборга олиб «CHINGIZ ART GROUP» МСНJ нинг таъсисчиси томонидан қайта ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши шарт.

12.2. Журнал тахриииятининг низоми Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилиши керак.

12.3. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунда кўрсатилган маълумотлар ва ҳужжатларга журнал рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ўзгартишлар киритилган тақдирда, муассис белгиланган тартибда тахрииият низомига ўзгартишлар киритиши ва уни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказиши шарт.

## **XIII. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ БОШҚА ҚОИДАЛАР**

13.1. Муассис таъсис ҳужжатларига унинг томонидан киритилган ўзгартишлар тўғрисида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигини бир ой муддатда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

13.2. Бош муҳаррир, шунингдек, муаллифлар журналда ҳақиқатга мос келмайдиган материалларни тарқатганлик учун оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиқда айбдор деб, белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.